ЧОРВАЧИЛИК, ДОН ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ—ЗАРБДОР ФРОНТ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 104 (6708).

26 МАЙ ЧОРШАНБА

1976 ИИЛ


Баҳоси 2 тийин.



КАЛИНИН районидаги «Қорасув» совхозида пилла қуртя боқиш яхши ўтказилди ва мўл ҳосил етиштирилди. Суратда: илғор пиллачилар (чапдан) Раъно Мирзаева ва унинг онаси Юлдуз Мирзаева, Рихси Исроилова ўртоқлар. Улар ўтган йилдагидан кўп пилла топширдилар.

Л. Абалян фотоси.

ГЕКТАРЛАР ТЎЛА, КЎЧАТЛАР БУТ БЎЛСИН



Янгийўл районидаги Калинин номли колхознинг 2-бригадаси миришкорлари 126 гектар ерда ғўза ўстирмоқдалар. Суратда: илғор сувчи Норбек Йўлдошев пайкалларга тараллган сувларни кўздан кечираётир.

А. Абалян фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида қатнашиш учун район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаларининг, район суғориш тармоқлари бошқармаларининг бошлиқлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг раислари, шаҳар ва район комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, илмий-текшириш институтлари, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, область партия, совет, касаба союз актнвлари таклиф этилдилар.

Пленум Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахоновнинг** «КПСС XXV съезди қарори ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети иккинчи пленуми қарори асосида пахтачиликни янада, ривожлантириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида»ги докладини эшитди ва муҳокама қилди.

Музокараларда Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **Э. Х. Ҳатамов,** Бўка район партия комитетининг биринчи секретари **Т. И. Исломов,** Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **М. Қ. Қодиров,** Пискент район партия комитетининг биринчи секретари **С. Ҳ. Воҳидов,** Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **М. Э. Эгамбердиев,** Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз партия комитетининг секретари **Л. Н. Пак,** Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари **К. Б. Мамедов,** Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари **А. П. Алимов,** Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг директори **К. Қозоқбоев,** СоюзНИХИ директори **С. Х. Йўлдошев** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленумда КПСС XXV съезди қарорларини бажариш юзасидан тадбирлар комплекс плани тасдиқланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Г. Ломоносов** сўзга чиқди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТОПШИРИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 25 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Янгийўл	14,7	117,9
Оққўрғон	10,6	111,8
Тошкент	16,8	105,2
Бекобод	27,4	100,3
Чиноз	31,2	100,2
Калинин	38,7	86,3
Ўрта Чирчиқ	28,3	68,3
Пискент	13,1	30,0
Қуйи Чирчиқ	23,7	37,9
Оржоникидзе	13,7	23,9
Бўка	11,7	14,4
Оҳангарон	—	—
Бўстонлиқ	—	—
Юқори Чирчиқ	—	—
Область бўйича	16,1	57,4

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг саноат корхоналари коллективлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашиб, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича беш йиллик планни 24 май куни бажардилар. Ой охирига қадар топшириққа қўшимча равишда пландан ташқари 82 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

* * *

Тошкент областининг саноат меҳнатчилари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва унинг кўпгина энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бешинчи йиллик программасини 25 май куни бажардилар. Пойтахт областининг индустрияси ой охирига қадар пландан ташқари 70 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилади.

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари ўзининг беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулот реализация қилиш беш ойлик планни муддатидан илгари, 25 майда бажардилар.

Январь-май топшириғидан ташқари кўп миқдорда кўмир ва газ қазиб олинади, машинасозлик маҳсулотлари, пахта толаси, трикотаж, жун, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ПИЛЛАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашаётган КАЛИНИН РАЙОН пиллакорлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Район пиллакорлари ўтинчи беш йилликнинг биринчи йилида пландаги 93 ўрнига давлатга 95 тонна пилла топшириб, ҳар қути уруғдан 63 килограммдан пилла териб олдилар.

Районда пилла тайёрлаш планини муваффақиятли бажаришда Оржоникидзе номли, Куйбишев номли, Калинин номли колхозлар, «Партия XX съезди» колхози, «Москва», «Назарбек», «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозлари муносиб ҳисса қўшдилар. Айниқса, Оржоникидзе номли, Калинин номли колхозлар, «Назарбек», «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхозларида ҳар қутидан 70—80 килограммдан ҳосил олиниб, пилла тайёрлаш планлари оширилб бажарилди. Янги «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхози пиллакорлари 1500 ўринга 1358 килограмм пилла топширдилар. Улар яна 500 килограмм пилла топшириш мажбуриятини олдилар. Совхознинг М. Алимова, З. Тошкентбоева, А. Шукурова сингари пешқадам пиллакорлари ҳар қутидан 120—130 килограммдан пилла йиғиб олдилар.

«Назарбек» совхозидан Р. Тошматова, Г. Қурбонова, М. Муқимовлар ҳам ҳар қутидан 110—123 килограммдан пилла йиғиб олишга эришдилар. Район пиллакорлари яллн пилла ҳосилини 100 тоннага етказишга қарор қилиб пилла топшириш давом эттирмоқдалар.

* * *

ЧИНОЗ РАЙОНИДА ҳам давлатга пилла топшириш юқори суръатлар билан давом этмоқда. Чинозликлар қисқа вақт ичида ўнинчи беш йиллик учун зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажаришга муваффақ бўлдилар. Давлатга 88 тоннадан ортиқ пилла топширилиб, мажбурият ортиғи билан бажарилди.

«Октябрь 40 йиллиги», Собир Раҳимов номли, «Москва» колхозлари, «Янгиобод» совхозида, айниқса, мўл пилла ҳосили етиштирилди. Ҳар қути қурт уруғидан 65—70 килограммдан пилла териб олинди.

Пилла топшириш давом этмоқда. Мажбуриятдагидан ташқари кам деганда яна 10 тонна пилла топшириш учун кураш кетмоқда.

СОВЕТ—АНГОЛА МУЗОКАРАЛАРИ

24 май куни Кремлда Совет—Ангола музокараларн бошланди. Музокараларни:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССР Ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков;

Ангола томонидан — Ангола Озодлиги ҳалқ ҳаракати (МПЛА) Сиёсий бюросининг аъзоси, Ангола Халқ Республикаси (АХР) Революцион кенгашининг аъзоси, Ангола Халқ Республикасининг Бош министри Л. Ду Насименту, МПЛА Сиёсий бюросининг аъзоси, АХР Революцион кенгашининг аъзоси, Мудофаа министри Э. Т. Каррейра, МПЛА Сиёсий бюросининг аъзоси, АХР Революцион кенгашининг аъзоси, Ангола Озодлиги Халқ Революцион Кучлари (ФАПЛА) Бош штаби бошлиғининг ўринбосари Ж. К. Жоао, МПЛА Сиёсий бюросининг аъзоси, АХР Революцион кенгашининг аъзоси, ахборот ва хавфсизлик бошқармасининг бошлиғи Р. Ж. Лопеш олиб бормоқдалар.

Дўстона вазиятда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар давомида турли соҳаларда Совет—Ангола ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилди. Ангола халқининг ўз миллий озодлиги учун, чет эл интервенциясига қарши олиб борган кураши йилларида Совет Иттифоқи билан Ангола ўртасида тарнкб топган қалин дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди. Совет Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси ўртасида иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтира беришга интилаётганликларини иккала томон ҳам ҳзкор этди.

Томонлар иккала мамлакатни қизиқтирувчи энг актуал халқаро проблемаларни кўриб чиқдилар.

(ТАСС).

ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССРдаги бир қанча районларда юз берган табиий офатлар муносабати билан бир қанча давлатларнинг раҳбарларидан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумн ва СССР Министрлар Советига Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин ўртоқлар номига ҳамдардлик телеграммалари келди.

«Бутун болгар халқи Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон республикаларининг бир қанча районларида юз берган табиий офатлар, тўғрисидаги даракни ғоят чуқур ҳамдардлик билан кутиб олди, —деилади БКП Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг телеграммасида.— Биз партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, барча совет кишиларининг фидокорона ишлари ҳамда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш борасидаги амалий чоралари шиқаст кўрган районлар тез қайта тикланишини таъминлашга, қардош Совет Иттифоқидаги коммунистик фидойиларида КПСС XXV съезди қўйган улкан вазифаларни бундан буён ҳам муваффақиятли бажарилиб бориши учун шарт-шароитлар яратишга аминмиз»

ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак ва ЧССР ҳукуматининг раиси Л. Штроугал телеграммасида бундай дейилади: «Биз ва биз билан бирга бутун Чехословакия халқи Совет Иттифоқининг Урта Осиё республикаларидаги баъзи областларда ўтган кунлар бўлган зилзила ва жала ёмғирлар сабабидан кишилар фожиали нобуд бўлганлиги ва жиддий моддий зарар кўрилганлиги тўғрисидаги хабарни чуқур ҳамдардлик билан эшитдик». Улар совет халқига, шунингдек фожиа кўрганларнинг оилалари ва қариндош-уруғларига ЧКП Марказий Комитети, ЧССР ҳукумати, бутун чехословак халқи номидан, шахсан ўз номларидан чуқур ҳамдардлик ва бирдамлик изҳор қилганлар.

Табиий офат муносабати билан МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали президиумининг Раиси Ю. Цеденбал ва МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх МХРП Марказий Комитети номидан, МХР ҳукумати ва барча меҳнаткашлари номидан самимий ҳамдардлик изҳор қилдилар.

АҚШ президенти Ж. Р. Фордниг телеграммасида бундай дейилади: «Совет Ўрта Осиёсидаги табиий офат—зилзиладан азият чекканларга бизнинг самимий ва чуқур ҳамдардлигимизни совет халқига билдиришингизни сўрайман».

«Совет Ўрта Осиёсидаги зилзила натижасида кишилар нобуд бўлганлиги ва катта вайронагарчиликлар юз берганлиги тўғрисидаги фожиали хабарни эшитиб ғоят қайғуга тушдим, —деилади Покистон Бош министри Зулфиқор Али Бхутонинг мактубида. — Шу фожиа муносабати билан Покистон ҳукумати ва халқи номидан совет Ўрта Осиёси халқига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламан».

(ТАСС).

МУҲИМ ТОПШИРИҚ

СУТЧИЛИК ФЕРМАСИДАН РЕПОРТАЖ

Насриддин ака партком хонасидан кўнгли тоғдек кўтарилиб чиқди. Тўғриси, у ўзига бунчалик катта ишонч билдирилишини кутмаган эди: фермага механик қилиб тайинлашди.

Боя секретарь «Биринчи топшириқни бажардингиз» деб нимага шама қилди? Ҳа, бундан ўн йил олдин КПСС сафига қабул қилинганда партком секретари Мастура опа Ёқубова шундай топшириқ берган эди: «Сабзавотчиликни механизациялаш — шу куннинг муҳим вазифаси. Бундан кейин коммунист сифатида бутун куч-ғайратингизни шунга сарфланг».

Ана шундан кейин Насриддин аканинг тинчлиги йўқолди. Партия мажлисларида сўзга чиқиб, ана шу ҳақда гапирди, механизацияга тўғаноқ бўлаётганларни дадил танқид қилди. Шунда совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти Насриддин аканн участка бошлиғи қилиб тайинлашди.

Насриддин ака энди бутун куч ва ғайратини кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил олишга қаратди. Сабзавотчиликда ишлатиладиган барча хил техникани топиб ишлатди. Орадан кўп ўтмай у бошлиқ участка доврўғи республикага ёйилди. Бир неча бор совхозда республика сабзавоткорларининг кўчма семинари бўлди. Насриддин ака сабзавотчиликни механизациялаш борасидаги тажрибаларини семинар қатнашчиларига гапириб берди. Партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини муносиб тақдирлаб, «Республикада хизмат кўрсатган механизатор» деган унвонни берди.

Ҳозир совхозда кўчатни экишдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олишгача барча ишлар механизациялашган...

Мана энди Насриддин ака партқомнинг янги топшириғини олди. Олдинига у ишни нимадан бошлашни билолмай, фермада анчагача айланиб юрди, сигирларни қўлда соғаётган сут соғувчилар ишидан хабар олиб, ишлатилмай ётган аппаратларга кўзи тушди. Бир эмас, икки комплект соғиш аппарати бор экан. Дарров уларнинг инструкцияси билан танишиб, ишлатиб кўрди. Аппарат соғувчилар айтгандай анча «нозик» экан. Хўш, уларни бироз соддалаштирса бўлмасмикан? Сут соғувчилар учун «Волга» аппарати қулай, аммо бир-икки қисми нозик. Буларни «Даугава»-ники билан алмаштирса бўлмайдими. Бўлар экан.

«Қўлбола» аппарат соғувчиларга жуда ёқиб қолди. Кейин ҳамма агрегатда соғишга ўтди. Ўз навбатида Насриддин ака аппаратни кўз қорачиғидек асрашни, ҳар куни ишдан кейин соғиш аппаратларини ювиб-тозалаб қўйишни ўргатди. Кейин бир неча ойдан бери ишлатилмаётган занжирли транспортерни ҳам ишга туширди.

Насриддин ака қисқа вақт ичида фермадагиларнинг меҳрини қозонди. Уни бригада бошлиғи қилиб кўтаришди. Шундан кейин ишлари яна бошидан ошиб кетди. Озуқабоп экинлар ҳосилдорлиги оширилди, ёзги молхоналар қурилди, иш шароити яхшиланди. Ҳозир у — совхоз комплекс чорвачилик фермасининг бошлиғи.

Яқинда фермада янги озуқа цехи ишга туширилди. Ҳозир 600 бошдан ортиқ қорамол учун ҳар куни 8-9 тонна турли хил озуқа аралашмаси тайёрланмоқда.

Калинин районидаги «Қорасув» совхози сутчилик фермасида барча иш механизациялашган. Шунинг учун ҳам совхоз чорвачиликдан йил сайин кўплаб соф фойда олмоқда. КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган совхоз комплекс механизациялашган чорвачилик бригадаси аъзолари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳар бош сигирдан 3500 килограммдан сут, ҳар гектар ердаги маҳсулдорликдан 700 центнердан кўк масса, 150 центнердан беда пичани олиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Бу ишда уларга ажойиб коммунист Насриддин ака Муҳитдинов бошчилик қилмоқда.

Н. ҚОДИРОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ А. Н. КОСИГИНИНГ СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Араб Социалистик Уйғониш партияси раҳбарлари билан Сурия Араб Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шу йил июнь ойи бошларида расмий дўстона визит билан САРга боради.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ДАВЛАТ АКАДЕМИК БОЛЬШОЙ ТЕАТРИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет музика ва хореография санъатини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари учун ва асос солинган кунига 200 йил тўлиши муносабати билан **СССР Давлат Академик Большой театри Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил, 25 май.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЙИЛЛИК БАЙРАМ — «МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ»НИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

«Мелиораторлар куни» байрами белгилансин.

«Мелиораторлар куни» ҳар йили июнь ойининг биринчи якшанбасида байрам қилинсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1976 йил 24 май.

МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область районларининг 1976 йил халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши бўйича социалистик мусобақасини ташкил этишга қарор қилдилар.

Бу қарорда таъкидлаб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ҳақидаги қарори область меҳнаткашлари томонидан зўр қизиқиш билан маъқулланиб кутиб олинди. Ўнинчи беш йиллик КПСС XXV съездининг тарихий қарорлари, «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» беш йиллик плани юзага келтирган умумхалқ меҳнат кўтаринкилиги вазнатида бошланди. Бу тарихий ҳужжатларда мамлакатимиз экономикасини яқин беш йиллик ва узоқ муддат давомида янада ривожлантиришнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилди.

Кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили ва умуман беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши бўйича социалистик мусобақасини ташкил этишга қарор қилдилар.

Бу қарорда таъкидлаб ўтилганидек, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ҳақидаги қарори область меҳнаткашлари томонидан зўр қизиқиш билан маъқулланиб кутиб олинди. Ўнинчи беш йиллик КПСС XXV съездининг тарихий қарорлари, «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» беш йиллик плани юзага келтирган умумхалқ меҳнат кўтаринкилиги вазнатида бошланди. Бу тарихий ҳужжатларда мамлакатимиз экономикасини яқин беш йиллик ва узоқ муддат давомида янада ривожлантиришнинг аниқ йўллари кўрсатиб берилди.

Кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили ва умуман беш йилликни муддатидан илгари бажариш юзасидан олган социалистик мажбуриятларининг бажарилиши бўйича социалистик мусобақасини ташкил этишга қарор қилдилар. Ҳозир ишчилар, бинокорлар, транспортчилар, алоқачилар, қишлоқ хўжалик механизаторлари «Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажарамиз!», «Ёш ишчи мураббийга тенглашсин!», «Сифат беш йиллигига ишчи кафолати», «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажарамиз!» ва бошқа шу каби шиорлар асосида меҳнат қилмоқдалар. Илғорларнинг ташаббуси областдаги барча меҳнат коллективларида тўла қўллаб-қувватланди.

Область саноати ходимлари беш йилликнинг биринчи йилида маҳсулот реализацияси ва муҳим буюмлар турларини ишлаб чиқариш бўйича давлат планини 21 декабргача бажариш ва пландагидан ташқари 180 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ хўжалик механизаторлари эса 1976 йилда давлатга 450 минг тонна пахта етказиб бериш, барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини, чорванинг маҳсулдорлигини анча оширишга қарор қилдилар. Корхоналар, қурилиш, транспорт, алоқа, коммунал-маиший хизмат ва савдо ташкилотлари коллективлари ҳам зиммаларига олинган социалистик мажбуриятлар олишди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ғувоҳномаси билан берилади ҳамда ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун область фондидан битта «Жигули» маркали битта енгил автомашина ажратилади.

Квартал давомидаги социалистик мусобақа якунлари бўйича иккинчи ўринни эгаллаган районга Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи, ғувоҳнома берилади ва ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун область фондидан битта «Запорожец» енгил автомобили ажратилади.

Йил давомидаги иш якунлари бўйича социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришиб, биринчи ўринни эгаллаган районга Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ғувоҳномаси билан берилади ҳамда ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун область фондидан битта «Жигули» енгил автомашина ажратилади.

Квартал давомидаги социалистик мусобақа якунлари бўйича иккинчи ўринни эгаллаган районга Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи, ғувоҳнома берилади ва ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун область фондидан битта «Запорожец» енгил автомобили ажратилади.

Йил давомидаги иш якунлари бўйича социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришиб, биринчи ўринни эгаллаган районга Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ғувоҳномаси билан берилади ҳамда ишлаб чиқариш илғорларига сотиш учун область фондидан битта «Жигули» енгил автомобили ажратилади.

Область районлари ўртасидаги социалистик мусобақа натижалари область статистика ва область қишлоқ хўжалик бошқармалари томонидан берилган маълумотлар асосида ҳар кварталда ва йил якунлари бўйича Ўзбекистон Компартияси область комитети бюроси, меҳнаткашлар депутатлари область Советининг ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг президиуми томонидан якунланади.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ



НАШРИЁТ ҲИССАСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг КПСС XXV съезди қарорларини пропаганда қилишда кўргазмали агитациянинг ролини янада кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан республика саноат корхоналари партия ва комсомол ташкилотларида қизғин иш бошлаб юборилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитети «Ёш гвардия» нашриёти коллективи ҳам съезд материалларини пропаганда қилишда актив иш олиб бормоқда. Нашриёт шу кунларда республика саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, илмий-маданий муассасаларда самарадорлик ва сифат бешйиллиги вазифаларини муваффақиятли бажариш учун бел боғлаган илғор ёшларга бағишланган «Истиқболим» очерклар тўпламини тайёрлаб қўйди.

Шунингдек, нашриётнинг комсомол-пионер адабиёти редакцияси «КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз» сериясида Эргаш Ғофуржоновнинг «Коммунизмнинг ёш қурувчилари», Юсуф Абдуллаевнинг «Ёшлар ва илмий техника тараққиёти», Ураним Сайдаматовнинг «Ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда комсомолнинг роли» каби бир қатор брошюраларни чоп этишга тайёрлаб қўйилди. Тез кунлар ичида бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажаришга аҳд қилган ёшлар меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи Абдубаннон Умаровнинг «Касбим-фахрим», Абдуқодир Ниёзовнинг «БАМ — бонг урмоқда», Эргаш Акромов ва Қуёш Отамирзаевларнинг «Минутнинг қадри» сингари асарлари китобхонларга тақдим этилди.

Шунингдек, нашриёт болалар адабиёти, ўсмирлар адабиёти редакцияларида ҳам КПСС XXV съезди қарорлари руҳи билан суғорилган, ёшларимизни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига яхши ҳисса қўшадиган асарларни чоп этиш планлаштирилмоқда.

Маълумки, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида республика комсомол-ёшлари бир миллион тонна дон етказиб давлатга топшириш юзасидан социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Нашриёт куни кеча ана шу фидокор ғаллакорлар учун қўлланма сифатида плакат нашр этди. Ёш пахтакорлар, ғаллакорлар учун яна бир қатор плакатлар ва кўргазмали агитация қуролларини нашр этиш мўлжалланяпти.

Ш. ШОАЛИМОВ.



Тошкентдаги «Сувенир» фабрикасининг пешқадамлари Маргуба Тешабоева ва Муҳаббат Алиева ҳозирги кунларда келгуси йил ҳисобига меҳнат қилишяпти. Суратда: илғор қизлар ўзлари тайёрлаган янги бронза вазаларни кўздан кечиришмоқда.

Г. Самадова фотоси.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ХАБАРЛАРИ

ЗАВОДДА ЛЕНИН БЮСТИ

Кетмонтепа луб заводи дирекцияси партия ва касаба союз ташкилотлари билан ҳамкорликда яхши ташаббус бошлаб корхона идораси олдига доҳиймиз В. И. Ленин бюстини ўрнатди.

Яқинда бюстни очишга бағишланган митинг бўлди. Митингда район колхоз ва совхозлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг вакиллари иштирок этди.

Бюстни район партия комитетининг секретари ўртоқ Д. А. Зарединова очди ва нутқ сўзлади.

КИЧКИНТОИЛАРГА СОВҒА

Солдатский луб заводи территориясида янги, икки қаватли замонавий бочка қурилмоқда. 150 ўринли бу бочкада сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

СОВХОЗДА МЕХАНИЗАТОРЛАР КУРСИ

Космонавт Волков номли совхозда механизаторлар тайёрлаш доимий курси ишлаб турибди. Ҳозир бу ерда 20 нафар ёш йигит-қиз таълим олмоқда. Булар орасида опа-сингил Фотима ва Зуҳра Сарсеновалар ҳам бор. Ўтган йили 10-синфни битириб, жонажон қишлоғида қолиб ишлаётган бу техника ихлосмандлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида биринчи марта «зангори кема» рулига ўтирадилар.

ТЎЙЛАР КЛУБДА ЎТАДИ

«Огонёк» боғдорчилик-узумчилик совхози партия ташкилоти ниқоҳ тўйларини янгича тартибда, замонавий руҳда ўтказиш тадбирларини белгилаб чиқди. Шу йилдан бошлаб тўйлар совхоз клубида ўтказиладиган бўлди. Оила қуришни истаган йигит-қизларнинг ота-онаси иш ҳақидан маълум бир қисмини совхоз кассасида қолдиради. Тўйга совхоз партия комитети аъзоларидан бири раҳбарлик қилади. Меҳмонларга клубда зиёфат берилгач, совхоз бадиий ҳаваскорлари ижросида концерт қўйилади.

94 ТОННА ПИЛЛА УЧУН

Район колхоз ва совхозларининг пиллакорлари ўтган йили она-Ватанга 78,6 тонна «кумуш тола» етказиб берган бўлсалар, бу йил 94 тонналик маррани эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳар бир қути ипак қурти уруғидан камида 60 килограммдан пилла олинади.

Б. ЙЎЛДОШЕВ.

БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИГА ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли корхоналарда касб маҳорати конкурслари ўтказиш анъана тусига кириб қолди. Бундай конкурслар ишчиларнинг маҳорати ва малакасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Касб маҳорати беллашувида Тошкент устки трикотаж фабрикасининг тўқувчиси Л. Кузькина, тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Е. Тажкенова, Самарқанд кўн комбинатининг йўнувчиси М. Михайлов, Кўқон пойафзал фабрикасининг қирқувчиси С. Эмервалиевлар голиб чиқишди.

Тикувчи мотористлар ўртасида навбатдаги республика конкурси Тошкентдаги 2-тикув фабрикасида ўтказилди. Унда Тошкент, Наманган ва Гулистон шаҳарлари тикув корхоналарининг тикувчи мотористлари қатнашдилар.

Жюри аъзолари якун чиқаётганда фақат маҳсулот сони ва сифатини эмас, балки илғор иш усулларини ва меҳнатни рационал ташкил этишга ҳам эътибор беришди. Тошкентдаги 3-тикув фабрикасининг ишчиси Муҳаббат Абдукаримова барча кўрсаткичлар бўйича юқори баҳо олди.

Биринчи ўринни эгаллаган конкурс голиби Муҳаббат Абдукаримова СССР Енгил саноат министрлиги корхоналари тикувчи мотористлари ўртасида бўладиган Бутуниттифоқ конкурсига йўлланма олди.

М. ЗАРИПОВ.

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

ЗАРБДОРЛАР НАМУНАСИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларидан руҳланган областимиз саноат ходимлари зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишяпти.

Редакциямизга келаётган кўплаб хабарларда, корреспонденция ва лавҳаларда ҳам штатсиз мухбирларимиз зиммаларига оширилган шахсий мажбуриятлар олиб, меҳнат қилаётган ишлаб чиқариш илғорлари, мураббийлар ва шогирдлар ҳақида, турли касб эгаларининг шарафли меҳнати ҳақида сўз юритадилар.

Жумладан, ангренлик **Б. Какарунов** Ангрен кўмир разрезининг 9-шахта ишчиси Абдураҳмон Маматов ҳақида ёзган корреспонденциясида қаҳрамонининг ҳаёт йўли, таҳсинга лойиқ меҳнат фаолиятини қаламга олган. А. Маматов бошчилик қилаётган бригада ҳозир ҳар сменада 230—240 тонна кўмир қазиб чиқаряпти. Бу пландагидан 30—40 тонна кўпдир. Кончилар ўнинчи беш йиллик планини тўрт ярим йилда бажариш мажбуриятини олишган. Юксак кўрсаткичларга эришувда бригадир, КПСС XXV съездининг делегати Абдураҳмон Маматовнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Георгий Васильевич Елизаров ўн йилдан буён Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб келмоқда. Бу давр ичида у слесарлик касбини пухта ўзлаштириб олди, ҳозир у слесарлар бригадасининг бошлиғи. Уларнинг сменасида барча машина ва механизмлар унумли ишлайди. Ишбилармон, моҳир слесарлар ҳар бир ускунанинг узлуксиз ишлашини таъминлайдилар. Беш йилдан буён коммунистик меҳнат зарбдори бўлган Г. Елизаров актив рационализатор ҳамдир. У жорий этган таклифлар корхонага минглаб сўм иқтисодий фойда келтиришмоқда. Бу ҳақда **И. Зимин** редакциямизга лавҳа йўллаган.

ТошДУ студентлари **М. Миркамолов** билан **Т. Дўсматов** «Бинокорлар аҳди» сарлавҳали хабарларида Юқори Чирчиқ район колхозлараро қурилиш бошқармасининг ишлари, хусусан илғор ишчи Садриддин Эрматов ҳақида ҳикоя қилишган. С. Эрматов ўн икки йил мобайнида бўёқчилар бригадасига бошчилик қилиб, бу давр ичида кўплаб объектларни пардоз қилишда қатнашди. Райондаги 10-мактаб спорт саройи, «Политотдел» колхозидаги болалар боғчаси, район марказидаги маданий-маиший бинолар шулар жумласидандир. Бригада шу кунларда Ҳисарак қишлоғидаги пионерлар лагерини ёзги мавсумга тайёрламоқда.

С. Исмоилов Ангрен электр тармоқларида электромонтёр бўлиб ишлайди. Бу ўзига хос масъулиятли вазифадир. Ўз касбининг устаси жамоат ишларида ҳам актив қатнашади, у бир қанча ёшларга электромонтёрлик касбини ўргатган. Навқирон шаҳар йил сайин ривожланиб боргани сари электр узатиш системаси ҳам кенгаймоқда. Бу эса ўз навбатида Саттор Исмоилов зиммасига ҳам янада юксак масъулият юклайди. Ускуналарнинг бир меёрда ишлашини мунтазам назорат қилиб бориш, уларни ўз вақтида даврий ва профилактик ремонт қилиш ишларини кўнгилдагидек бажараётган С. Исмоилов ҳамкасблари ҳурматини қозонган. Бу ҳақда В. И. Ленин номли ТошДУ журналистика факультетининг студенти **А. Раззоқов** ҳикоя қилган.

С. Худоёрова йўлларан хабарда Ўрта Чирчиқ районидаги 74—автокорхона устахонаси ишлари ва бу коллектив тизимнинг пешқадам аъзоси—токарь А. Каримова ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Автокорхона устахонасининг ишчи ва хизматчилари ойлик ва квартал планларини мунтазам ошириб бажаришмоқда. Бунда А. Каримованинг муносиб ҳиссаси бор. Тошкент районидан **Т. Жўраевнинг** йўллаган хабарида ғишт заводининг ишчиси Нажиб Аҳмаджоновнинг фидокорона меҳнати ҳақида ёзган. Лекин, қаҳрамон меҳнат қилаётган корхона адреси негадир аниқ кўрсатилмаган. **М. Мирсултонов** ва **И. Пирматовлар** йўллаган хабарда «Узбекгидроэнергострой» трестига қарашли автотранспорт корхонасининг ишлари бир мунча қаламга олинган, аммо, коллектив амалга ошираётган асосий ишлари четлаб ўтилиб, фақат ремонтчилар ҳақида фактлар келтирилади. Тўғри, автотранспорт корхонаси юксак кўрсаткичларга эришувида, уларнинг ойлик ва квартал планларини ошириб бажаришларида, шубҳасиз, мотор ремонтчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хабарда уларнинг фаолиятини яхшироқ таҳлил қилиб, умумколлектив ишига қўшаётган ана шу ҳиссаларини кўрсатиб берилса янада яхши бўлур эди.


Д. Қодирова билан **Х. Содиқов** юборган «Қолоқликдан қутулган цех» сарлавҳали хабарда Тошкент гўшт комбинатидаги қолоқликдан илгорликка чиқиб олган цех ҳақида ҳикоя қилинади. Муаллифлар танлаган мавзу ва объект яхши, лекин улар мана шу цехнинг қисқа давр ичида қандай қилиб илғорлар сафидан ўрин олганини чуқурроқ ўрганишмаганга ўхшайди. Улар қолоқликдан қутилиш сабабини янги тайинланган цех бошлиғи С. Хожимуродов фаоллиги билан боғлаб қўйишган. Агар шундай бўлса, янги цех бошлиғининг моҳирона иш тажрибаси, бутун бир коллективни илғорликка етаклаб чиқишда қилган диққатга сазовор ишларини атрофлича ёритиш лозим эди. **Қ. Маликов** йўллаган хабарида 8-трестнинг 2- қурилиш монтаж бошқармасига қарашли Роман Холиқов бошлиқ бригада қурувчиларининг Полторацкий кўчасида Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институти студентлари учун комплекс бинолар бунёд этишаётгани ҳақида ёзган. Унда бригаданинг М. Захарин, Х. Ғиёсов, М. Ким, А. Колбасин каби пешқадамлари тилга олинган, коллектив йиллик топшириқларни 120-125 процент бажараётгани айтилади.

АВТОРЕМОНТЧИЛАР БЕШ ЙИЛЛИК СТАРТИДА

Тошкентдаги 8-экспериментал-ремонт заводининг темирчилар бригадаси пландан ташқари 500 га яқин автомобиль рессораси тайёрлаб чиқарди. Заводдаги шу энг яхши бригада бир беш йилликда икки беш йиллик нормасини бажаришга аҳд қилган республикадаги ўнта пешқадам ишчиларнинг ташаббусига биринчи бўлиб қўшилди. Темирчилар ўз имкониятларини чамалаб кўргач, ой сайин топшириқдан ташқари 200 норма-соат ишлашга сўз бердилар. Улар бу сўзларида қаттиқ турибдилар. 4 ой ичида 800 норма-соатдан знёд вақт тежалди. Қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришда шу вақтдан фойдаланилди.

Емельяненко бригадаси уюшқоқлик билан яхши ишламоқда. Ҳар бир операция ҳисоблаб чиқилган, маршрутлар ўйлаб тузилган. Шунинг натижасида рессора тайёрлашда 15 минут вақтни тежаш мумкин бўляпти.

Автомобиль деталларини ясовчи цехнинг бутун коллективи мусобақага қўшилганлиги туфайли йил бошидан бери пландан ташқари қарийб 25 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлди. (ЎзТАГ).



ЯНГИ ФАБРИКА МАҲСУЛОТИ

Пойтахтдаги Октябрь районининг янги ташкил этилган «Бешқайрағоч» массивида миллий устки кийимлар фабрикаси ишга тушди.

— Бу янги фабрика Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли бўлиб, йилига 10 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди бошқарма бошлиғи ўртоқ О. Мансуров. — Фабрикада деярли барча ишлар механизациялашган. Корхонада Япония, Чехословакиядан келтирилган юқори унумли тикув машиналари ўрнатилган.

Янги фабрика ўзининг дастлабки маҳсулотларини савдо тармоқларига жўнатди.

С. СУЛТОНОВ.

БЕРМОҚ УЧУН ДУНЁГА САЙҚАЛ

Севимли ўқитувчим ҳақида ёзишга ўтирдиму, ҳаёлимга ботма-бот шоирнинг қуйидаги мисралари келаверди:

Мулки замин ичра бир
маҳал
Кўрмасангиз олам яралган.
Бермоқ учун дунёга сайқал
Олам аро одам яралган
Бермоқ учун дунёга сайқал... Эшик очилиб ниҳолдаккина бир қизни етаклаган мактаб директори Ҳошим ака Раҳимов кўриниши билан ўқувчилар гур этиб ўринларидан туришди.

— Салом, ўтиринг. Бизнинг мактабга ҳам кимё муаллими бершди, — деди Ҳошим ака.

Ҳамманинг диққати ўрта бўй, қийиқ кўз, бугдой ранг, қўнғироқ сочлари орқасини тўлдирган нозиккина қизга қадалди.

Ёш муаллима қиз бундай бўлишини кутмаган эканми, ёноқлари қизариб, пешонаси, бурни устидаги тер томчиларя ялтиллади.

— Мана, қизим, бу ёғини ўзинг бошлайвер. Ҳали айтганимдай дадил, бемалол. Хўпми?

Директор синфдан чиқди. Ёш муаллима ўнғайсизланиб, болаларни кўздан кечирди. Синфда ҳар хил ёшдаги ўқувчилар ўтиришибди. Олдинда кўпроқ ёшлар, ўрта яшар ўқувчилар орқа партларни эгаллашибди.

— Келинглар, аввал, танишиб олайлик, синфком борми? Журнал сиздами?..

Агар сиз Латофат опадан биринчи дарс таассуротларини сўрасангиз, улар тўлқинланиб дейдилар:

— Педагогика институтининг химия-биология факультетини тугатдиму, тўғри шу мактабга келдим. 7—10 синфларни беришди. Юрагим орзиқиб, биринчи марта синфга кириб, дарс ўтганимни ҳеч эсимдан чиқармайман. У йиллар бошқача эди. Ўзим билан тенг ўзимдан катта ўқувчиларга дарс берар эдим. Ҳатто синфимдаги энг катта ёшли бир ўқувчини ҳамма «тоға» деб чақирарди. Мен ҳам унга «тоға, доскага чиқинг» деб мурожаат қилар эдим. Ўқувчиларим жуда тиришқоқ эди. Мен ҳам уларга қизиқиб, бутун билганимни ўргатишга интилардим, ўргатардим».

— Опа, — дейман қизиқиб, — ҳозир ҳам шундайми?

— Ҳа, албатта. Биз ўқитиб, тарбия берган ўқувчимиз ҳаётда ўз ўрнини топиб, ҳақиқий инсон бўлиб етишар экан, ўзимизни бахтли ҳисоблаймиз.

Л. Аслонова ана шундай бахтиёр ўқитувчилардан. Мана 34 йилдирки, Латофат опа Тошкентдаги Абдулла Авлоний номли 156-ўрта мактабда химиядан дарс беради. Бу йиллар давомида у қанчадан-қанча ўқувчиларни кимё фани сирларидан хабардор қилди. Опанинг Мирзаева, Охунжонова, Қорабоева сингари ўқувчилари ҳозирда химия фанлари кандидати бўлишган.

Яқинда мактаб даргоҳида ажойиб бир байрам бўлди. Ҳамкасб, ўқувчилар севимли Латофат опа Аслоновани муборак 55 ёшлари билан қутлашди.

Шунисе қувончлики, мактабнинг кўпгина ўқитувчилари Латофат опанинг илгариги ўқувчиларидир. Мактаб директори Мухтадо Юсупалиев, тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Замира Қобулова, ўқитувчилардан Баҳодир Ахмедов, Абдурасул Юсуповлар шулар жумласидандир. Латофат опа мактаб химия-биология метод бирлашмасининг бошлиғи сифатида ҳам ёш ўқитувчиларга методик томондан бевосита ёрдам беради.

Латофат опанинг шарафли меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У киши «Халқ маорифи аълочиси» деган юксак унвонга сазовор бўлганлардан. Латофат опа Октябрь революцияси ордени ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, В. И. Ленининг 100 йиллиги» юбилей медали билан тақдирланган.

Латофат опа сингари муаллималарни дунёга сайқал берувчиларга қиёс этгинг келади. Чунки улар бизни қалам тутиб ёзишга, китоб ўқиб, дунё танишга ўргатишади. Уларга бўкиёс ҳурматингни изҳор этиб, ҳар қадамда миннатдорчилик билдиргинг келади.

Ҳафиза ВАФОЕВА.

Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалар кимёси институтининг ходимлари чигитдан юқори озуқали мой, оқсил ва фитин моддаларини олиш борасида илмий тажриба олиб бормоқдалар. Суратда: институт олимларидан профессорлар С. Акрамов, З. Исмоилов ва техника фанлари кандидати М. Тўраҳўжаев экспериментал технология лабораториясида.

М. Нуриддинов фотоси.

СУНГГИ ПОЧТАДАН

ДЎСТИМИЗ—ҚУДРАТЛИМИЗ

Ўзбеку тожикнинг
қалблари пайванд,
Гўё бир онадан туғилган
фарзанд.

Областимизнинг Бўка ва Тожикистоннинг Мастчоҳ районлари меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар иккала район хўжаликлари ўзаро мусобақадош. Вақти-вақти билан делегациялар алмашиб, қўлга киритилаётган ютуқларини ўртоқлашмоқдалар, муаммоларни биргалашиб ҳал этмоқдалар. Дўстона ёрдам туфайли мусобақадошлар тўққизинчи беш йилликда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам қувончли ютуқларга эришмоқдалар.

Бўка районининг «ПАХТАКОРЛАР ОВОЗИ» ва Мастчоҳ районининг «МАШЪАЛ» газеталарининг яқинда чиққан қўшма сони икки район меҳнаткашларининг социалистик мусобақасига бағишланган. Бўка районидаги «Партия XX съезди» колхози раиси М. Хайитбоев, Мастчоҳ районидаги К. Маркс номли колхоз иқтисодчиси А. Худойбердиев, Бўка йўл ремонт-қурилиш участкаси партия ташкилотининг секретари А. Ҳакимов, Мастчоҳдаги Куйбишев номли колхоз сут соғувчиси Н. Холшекова ва бошқа ўртоқларнинг мақолаларида социалистик мусобақа туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар, дўстлик қудрати, ҳамкорлик самараси тўғрисида ҳикоя қилинган.

Икки қардош-мусобақадош районлар газеталарининг бу махсус сони таҳсинга сазовордир.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш ва медицина фанини ривожлантириш бўйича тўққизинчи беш йиллик вазифаларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Деҳқонов Амир — Республика электротехника медицина техникумининг ўқитувчиси.

Ильина Татьяна Георгиевна — Тошкент медицина институтининг профессори.

Каценович Рауф — Рафаиль Александрович — Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

Конопицкая Нина Андреевна — Куйбишев районидаги 7-поликлиниканинг врачи.

Константинова Тамара Николаевна — Сергели районидаги 13-касалхона дорихонасининг ассистенти.

Крюков Виктор Васильевич — шаҳар «тез ёрдам» станцияси автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Лутфуллаев Нигматулла Шоаҳмедович — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги «Медхозснаб» бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Мавлонова Қумри Расулевна — Фрунзе районидаги 23-поликлиника санитаркаси.

Маъзумов Башир Ҳикматуллаевич — Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

Мажидов Наби Мажидович— Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

Машраббоев Тўлқинбой Ёқубович —Чилонзор районидаги 29-поликлиниканинг тиш врачи.

Медовая Виктория Наумовна — «Главташкентстрой» медицина-санитария қисми бўлимининг мудири.

Минкин Борис Яковлевич — республика санэпидстанциясининг врачи.

Мирзаева Муяссар Музафаровна — Тошкент тўқимачилик комбинати медицина-санитария қисмининг врачи.

Моисеенко Галина Владимировна — Чилонзор район соғлиқни сақлаш бўлимининг врачи.

Муротов Мақсуд Муротович — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги 4-бош бошқармаси марказий поликлиникасининг врачи.

Остер Наум Романович — Ўзбекистон эпидемиология микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири.

Острерова Евгения Давидовна — Ленин районидаги 1-болалар поликлиникасининг врачи.

Позднякова Татьяна Николаевна — Тошкент медицина институтининг профессори.

Содиқов Аҳмаджон Қосимович — 15-шаҳар клиника касалхонасининг бош врачи.

Саушина Мария Михайловна — Ўзбекистон травмотология ва ортепедия илмий-тадқиқот институти клиникасининг медицина ҳамшираси.

Скородумова Нина Семёновна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги 4-бош бошқармаси марказий касалхонаси бўлимининг мудири.

Степанова Александра Дмитриевна — Н. К. Крупская номидаги республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийсининг катта медицина ҳамшираси.

Стерник Ольга Алексеевна — республика болалар ихтисослашган психоневрология диспансери бош врачининг ўринбосари.

Тарган Марк Шанович— Ленин районидаги 2-бирлашган касалхонанинг бош врачи.

Тоҳиров Иброҳим —Октябрь районидаги 6-болалар касалхонасининг фельдшери.

Тошхўжаев Пўлат Иноятович— Тошкент медицина институтининг кафедра мудири.

Убайдуллаев Раҳмат — Ўзбекистон санитария-гигиена ва профилактик касалликлар илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири.

Умаров Зокиржон — Киров район соғлиқни сақлаш бўлимининг врачи.

Усмонов Исҳоқ Усмонович —1-республика клиника психиатрия касалхонаси бош врачининг ўринбосари.

Феногенова Ольга Тихоновна — Собир Раҳимов районидаги 10-шаҳар клиника касалхонасининг санитаркаси.

Ҳакимова Санобар — Ленин район санэпидстанциясининг врачи.

Ҳамидова Манзура — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кафедра мудири.

Ҳамитова Анна Михайловна — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг проректори.

Ҳасанова Любовь Николаевна — Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти клиникасининг акушеркаси.

Ҳидоятова Муборак —Собир Раҳимов районидаги 4-болалар поликлиникасининг бош врачи.

Храброва Валентина Семёновна — шаҳар психоневрология диспансерининг медицина ҳамшираси.

Черемисина Анастасия Григорьевна — Куйбишев районидаги 5-болалар касалхонасининг бўлим мудири.

Шабельникова Таисия Антоновна — Ҳамза районидаги 3-поликлиника врачи.

Шамсиев Сайфи Шамсиевич — Ўрта Осиё педиатрия медицина институтининг кафедра мудири.

Ёқубов Олим Ёқубович— Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги, бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Раҳим — Ўзбекистон онкология ва радиология илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудири.

Араббоева Анастасия Никифоровна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги 4-бош бошқармаси марказий поликлиникасининг медицина ҳамшираси.

Браиловская Юлия Езикильевна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги бош бошқармасининг секретари.

Галкина Ксения Николаевна — Киров районидаги 2-болалар юқумли касалликлари касалхонасининг катта медицина ҳамшираси.

Григорянц Валентина Хачатуряновна — 1-республика касалхонасининг бўлим мудири.

Жалилова Махсума —Чилонзор районидаги 10-болалар поликлиникасининг катта медицина ҳамшираси.

Зиёвуддинов Жалолиддин Мусабоевич — республика санэпидстанциясининг врачи.

Кабардина Таисия Алексеевна —Ўзбекистон санитаригия-гигиена ва профилактик касалликлар илмий-тадқиқот институтининг лаборанти.

Капкаев Радик Абдуллаевич— Тошкент медицина институтининг профессори.

Карасёва Наталья Николаевна— Ўрта Осиё педиатрия медицина институти кадрлар бўлимининг бошлиғи.

Карпюк Софья Николаевна — марказий шаҳар касалхонасининг врачи.

Королева Ирина Тимофеевна — Ўзбекистон тери-венерология илмий-тадқиқот институтининг санитаркаси.

Кучарова Шарофат — Куйбишев районидаги 14-болалар поликлиникасининг катта медицина ҳамшираси.

Мейк Ирина Емельяновна —шаҳар онкология диспансерининг бўлим мудири.

Нежевенко Раиса Евгеньевна — Собир Раҳимов районидаги 7-болалар поликлиникасининг врачи.

Некрасова Лидия Николаевна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги 4-бош бошқармаси марказий касалхонасининг бўлим мудири.

Нурмуҳамедов Ғайрат — Ўзбекистон педиатрия илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими.

Самадов Собиржон Аҳадович — Ҳамза район санэдипстанцияси санитар врачининг ёрдамчиси.

Сергеева Валентина Михайловна — электрон-техника заводи медицина-санитария қисмининг врачи.

Славинская Ольга Аркадьевна — марказий дорихона омборининг контролери.

Струкова Ирина Павловна — республика илмий-медицина кутубхонасининг катта бухгалтери.

Урялова Елизавета Александровна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги 4-бош бошқармаси марказий касалхонасининг кичик медицина ҳамшираси.

Усмонова Ҳакима —Ўзбекистон сил касалликлари илмий-тадқиқот институти клиникасининг медицина ҳамшираси.

Хўжаев Шавкат Муҳаммадғозиевич — Ленин район санэпидстанциясининг бош врачи.

Цай Купрьян (Сиг-Нер) Степанович — шаҳар «тез ёрдам» клиника касолхонасининг бўлим мудири.

Шойхет Анна Львовна — шаҳар тери-венерология диспансерининг лаборатория мудири.

Йўлдошева Сураё Йўлдошевна — Киров районидаги 5-болалар поликлиникасининг врачи.

Юсупова Эркина — Ўзбекистон ўлка медицина илмий-тадқиқот институти клиникасининг бўлим мудири.

Яровинский Михаил Яковлевич — республика санитария маорифи уйи бўлимининг мудири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаева Ихтиборхон— 1-шаҳар клиника касалхонаси бўлимининг медицина ҳамшираси.

Абдуллаева Клара Абдумакаровна — Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти қон қуйиш станциясининг бўлим мудири.

Оқмирзаев Тўлаган Оқмирзаевич — шаҳар санэпидстанцияси энтомологининг ёрдамчиси.

Гареева Альфия Миннахметовна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги — 2-клиника касалхонасининг хўжалик ҳамшираси.

Енина Анна Васильевна —Тошкент вакцина ва сиворотка илмий-тадқиқот институти бак препаратлар ишлаб чиқариш корхонасининг бош бухгалтери.

Ильина Антонина Васильевна — Ленин районидаги 2-поликлиниканинг врачи.

Исматуллаева Хурсанд Қудратуллаевна — Чилонзор районидаги 2-сил касалликларига қарши диспансер бўлимининг мудири.

Қосимова Санобар — Сергели район санэпидстанциясининг врачи.

Князева Людмила Аркадьевна — Фрунзе районидаги 3-болалар поликлиникасининг медицина ҳамшираси.

Лавочник Моисей Иосифович — 1-стомотология поликлиникасининг врачи.

Лобизова Вера Павловна —СССР соғлиқни сақлаш министрлиги Ўзбекистон вабога қарши станциясининг зоологи.

Локай Надежда Павловна — 1-республика клиника психиатрия касалхонасининг бўлим мудири.

Мираҳмедов Мирза —Собир Раҳимов районидаги 33-поликлиника врачи.

Мирқосимова Муяссар — Собир Раҳимов район санэпидстанциясининг врачи.

Морозова Валентина Михайловна —Тошкент медицина институтининг катта бухгалтери.

Морозова Любовь Алексеевна — Куйбишев районидаги 13-болалар поликлиникасининг врачи.

Муҳамедхонова Саида Тўхтаевна — республика эндокринология диспансерининг врачи.

Палагошвили Елизавета Захаровна — шаҳар физиотерапия поликлиникасининг катта медицина ҳамшираси.

Распопова Валентина Александровна — Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги 4-бош бошқармаси марказий касалхонасининг бош врачи.

Рихсиев Тошпўлат —шаҳар «тез ёрдам» станцияси автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Рустамова Шарофат Тоҳировна —Ленин районидаги 2-поликлиника врачи.

Сердюкова Мария Степановна — Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институти клиникасининг бўлим мудири.

Султонова Раҳима Зуфаровна — Чилонзор районидаги 10-поликлиника врачи.

Турсунова Ҳури — А. Н. Семашко номидаги Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти клиникасининг медицина ҳамшираси.

Ҳамидхўжаев Ғани Хўжаевич — 5-шаҳар юқумли касалликлар клиникаси касалхонасининг бўлим мудири.

Шонкромов Шомақсуд Шофайзиевич — Фрунзе районидаги 6-болалар поликлиникасининг бош врачи.

Юнусова Замира Валиевна — Ҳамза районидаги 18-поликлиниканинг катта медицина ҳамшираси.


Юнусова Назира Ғозиевна — Н. К. Крупская номидаги республика болалар суяк-сил касалликлари санаторийсининг катта боғбони.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Н. ПОДГОРНИЙ.**

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль, 1976 йил, 11 март.





Тайёрлов цехи заводнинг асосий участкаларидан бири. Бу ерда металл блоклари штамповка қилинади ва термик ишлов берилади. Бу коллектив Тошкент асбобсозлик заводида цехлараро мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Суратларда: (юқоридан) зарбдор ишчи Шомурод Маҳмудов куйдириш печининг ишини назорат қилмоқда. Куйдириш печи.

В. Салов фотолари.

ЖАМОАТЧИЛИККА ТАЯНИБ

Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлими ходимлари жамиятимизга ёт бўлган иллатлар — безорилик, текинхўрлик, ичкиликбозликка қарши курашишда жамоатчилик ёрдамига таяниб иш тутмоқдалар. Халқ кўнгилли дружиначилари бу ишда катта ёрдам бермоқда. Район ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Э. Жаҳонгиров билан бўлган суҳбатимиз ана шу мавзуга бағишланади.

— Ҳар куни, деярли ҳар бир ишимизда жамоатчилик ёрдамига таянамиз. Маҳаллаларда, саноат корхоналари ,ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда милиция ходимлари жамоатчилик билан ҳамкорликда ўтказилаётган профилактик чора тадбирлар жиноятчиликни кескин камайтиришга олиб келмоқда.

Бу иш айниқса ёшлар таълим-тарбиясида катта самара бермоқда. Айтайлик, бир ўспирин ўзининг нотўғри хатти-ҳаракати билан коллектив номига доғ туширди. Дарҳол милиция ходими ўша йигит билан ишлаб турган корхона умумий йиғилишида иштирок этади, танбеҳ беради, уялтиради. Бу биринчидан, йўлдан адашган ўспиринни тўғри йўлга солишда ёрдам берса, иккинчидан ҳаётга енгил-елпи қарайдиган айрим бошқа ёшларга сабоқ бўлади. Роберт Ли, Раҳмат Омонов, Игорь Кимлар ана шундай йиғилишларда табвасига таянтирилган эди. Ҳозирда улар ўз коллективларига туширган доғни ювиб, илғорлар қаторидан ўрин олишган.

Участка инспекторлари Ускан Сиддиқов, Худойберди Жамбилов, Холдор Шеров, Назир Хайтбоев ва бошқалар ўзларига бириктирилган территорияларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кўп иш қилмоқдалар. Совет қонунчилиги ва ёшлар тарбиясига оид суҳбат ва лекциялар уюштирилмоқда. Жойлардаги халқ кўнгилли дружиначилари постига яқиндан раҳбарлик қилишмоқда.

— **Жиноятни очишда қатнашган дружиначилар, ёки жамоатчиликнинг бевосита ёрдами ҳақида айтиб берсангиз.**

— Бектемирдан телефон қилиб, Владимир Лешчук номаълум шахс томонидан ўз уйида ўлдириб кетилганини хабар қилишди. Зудлик билан оператив группа туздик. Дастлабки ҳаракатларимиз зое кетди. Группани тажрибали ходимлар билан кучайтирдик. Унга область ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиғи милиция полковниги М. Иноғомов, подполковник С. Денишев, район жиноят қидирув бўлими бошлиғи, милиция майори Т. Утепов, район прокурори Қ. Эгамқулов ва бошқалар киритилди.

В. Лешчук ўз уйида ўлдирилган. Лекин бу жиноят ким томонидан содир бўлган? Жабрланувчи воқеа содир бўлгунга қадар қаерда, кимлар билан бўлган, нима қилган? Аввало, ана шу жумбоқни ечишимиз керак эди. Бу ўринда жамоатчилик ёрдами билан иш тутдик. Маълум бўлишича, В. Лешчук бир кун аввал шериклари Алексей Ли ва Александр Альферовлар билан ичишган. Ичкиликка ружу қилган бу шахснинг оиласида ҳам ҳузур-ҳаловат йўқолган. У бир неча бор хотини ва икки боласини уйидан ҳайдаган. Воқеа содир бўлган куни ҳам Владимир болаларини уйдан қувган эди.

Менинг милициям

Кўнгилли дружиначилар Вера Наурузова ва Владимир Евтюховларнинг актив кўмаги ва иштирокида жиноятчи 1-механизациялашган кўчма колонна дурадгори А. Альферов қўлга олинди. Дастлабки сўроқдаёқ у айбига тўла иқрор бўлди.

— Ёки бошқа бир мисол. Милицияга қорамол ўғирланганлиги ҳақида хабар қилинди, бу жиноят кўп ўтмай яна қайтарилди. Жиноятчиларни қўлга тушириш эса кечикарди. Жойлардаги постлар сергак бўлишига қарамай маълумот бермасди. Бу ўринда ҳам жамоатчилик ёрдамга келди. Мол ўғрилари бозорда, яъни ўғирланган молларни сотиб турган пайтда қўлга тушишди. Маълум бўлишича Ж. Имомов, У. Қурбонов ва А. Исаевлар Янгийўл, Калинин районларида ҳам ўғрилик қилишган экан. Дружиначилар бу билан уч районда қўзғотилган жиноий ишни очишда яхши ҳисса қўшдилар. Улар район ички ишлар бўлими томонидан мукофотландилар.

— **Чайқовчи ва ичкиликбозларга қарши курашишда дружиначиларнинг роли қандай?**

— Бу борада ҳам жамоатчиликнинг ёрдами катта бўляпти. Милиция ходимлари билан дружиначилар ҳамкорлигида ўтказилаётган рейдлар яхши натижа бермоқда. Хушёрхона «меҳмон»лари мастлик пайтда ўзларини шер тутадилар. Айримлари эса нима деганларини ҳам эслай олишмайди, гоҳо-гоҳо милиция ходимининг «адабини бериб қўядиган»лар ҳам топилиб қолади. Биз хушёрхона меҳмонининг «монологи»ни магнитофонга ёзиб олиб эртасига ўзига эшиттирамиз, штраф билан чекланмай, ишлаётган коллективида бўлиб воқеадан хабардор қиламиз. Бу сўзсиз ижобий натижалар бермоқда. Хушёрхона «меҳмон»лари тобора камаймоқда.

Чайқовчиларга қарши ҳам муросасиз курашмоқдамиз. Районимиз ички ишлар бўлими ходимлари эл осойишталиги ва совет қонунчилигини қўриқлашда, безорилар, текинхўрлар ва ичкиликбозларга қарши курашишда кенг жамоатчилик ёрдамига таяниб келди ва бундан кейин ҳам ўз фаолиятида бунга амал қилади.

Область ички ишлар бошқармасида ҳам Ўрта Чирчиқ район ички ишлар бўлими ходимларининг ибратли ишлари ҳақида гап борар экан, улар бундай ютуққа кенг жамоатчилик оммасига, халқ кўнгилли дружиначилари кўмагига таяниб иш тутаётганликлари туфайли эришаётганликлари таъкидланди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ЛИВАН ИШЛАРИГА АРАЛАШИШГА ҚАРШИ

БАЙРУТ, 24 май. (ТАСС). Франция президентининг «Тинчликни сақлаш учун» Ливанга француз қўшинларини юбориш тўғрисидаги таклифи бу ерда қаттиқ танқид қилинмоқда ва қораланмоқда. Ливан Бош министри Р. Караме бундай деди: «Биз ҳеч қачон француз мандати кунларига қайтмаймиз, биз ажнабий қўшинларни юбормоқчи бўлган кимсаларга: меҳрибонлигингиз учун раҳмат, аммо биз бир қарич еримизни ҳам ҳеч кимга бермоқчи эмасмиз, деймиз».

Мамлакатга француз қўшинларини юбориш, дейилади миллий ватанпарвар кучлар блоки раҳбарлигининг баёнотида, Ливандаги танглликни баттар чигаллаштиришгагина олиб бориши мумкин. Бу танглликни ливанликларнинг ўзлари четдан ҳеч кимни аралаштирмай бартараф қилишлари лозим.

Фаластин озодлик ташкилотининг раҳбарлиги Ливанга француз қўшинлари юборилишига қарши чиқиб, буни «Фаластин революциясига қарши қаратилган ҳарбий интервенция» деб атадилар.

Миллий ватанпарвар кучлар Франциянинг таклифини мамлакатнинг ички ишларига аралашиш ва истеъфога чиқишдан ҳамда давлат бошлиғи лавозимини яқинда парламент томонидан сайланган И. Саркисга топширишдан бош тортаётган С. Франжьени қўллаб-қувватлаш йўлидаги уриниш деб билмоқдалар.

ТРИПОЛИ, 24 май. (ТАСС). Ливия Араб Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг раиси М. Каддафий бундай деди: французлар планини араб халқлари ва миллий тараққийпарвар кучлар батамом рад этадилар.

ҚУВАЙТ. 24 май. (ТАСС). Қувайт Ливан танглигини ажнабийларни аралаштирмасдан бартараф этишга интилаётганлигини яна тасдиқлади. Ливан муаммоси — шу мамлакатнинг ички ишидир, деди Қувайт давлат министри Абдил Азиз Ҳусайн.



Болгария. Пловдив саноат корхоналари коллективлари хом ашё ва ёқилғини тежаб қолиш бўйича ташаббус бошлаб бердилар. Уларнинг бу ибратли ташаббуси тобора кенг қулоч ёймоқда. Суратда: ташаббусга қўшилган «Рекорд» заводининг бир группа ишчилари.

БТА—ТАСС фотоси.

КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИКДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

БЕРЛИН, 24 май. (ТАСС). Берлинда Германия Бирлашган социалистик партияси IX съездининг мажлислари партия сафларининг монолитлиги, ГБСП нинг партия Марказий Комитети теварагида жипслиги, партия билан халқнинг мустаҳкам ва бузилмас бирлиги белгиси остида, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми байроғига садоқат белгиси остида ўтди.

Съезддаги докладлар, шунингдек делегатларнинг нутқлари ГДР эришган диққатга сазовор муваффақиятлар — ГБСП марксча-ленинча йўлининг натижаси, республика халқи фидокорона меҳнатининг, ГДР билан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг натижаси эканлигидан яққол далолат беради.

Съезднинг якунловчи иш кунининг биринчи ярмида делегатлар съезд комиссияларининг докладларини тинглагач (К. Хагер, П. Фернер, В. Кроликовский ва Ф. Эберт ўртоқлар доклад қилдилар), ГБСП-нинг янги программаси ва уставини бир овоздан қабул қилдилар, 1976—1980 йилларда ГДР халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан директиваларни ҳамда таклифлар юзасидан комиссиянинг докладини тасдиқладилар.

Съезд империализм, фашизм ва реакцияга қарши курашчилар билан бирдамлик баёнотини қабул қилди.

Куннинг иккинчи ярмида съезднинг ёпиқ мажлиси бўлди.

ГБСПНИНГ IX СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАТДИ

Съезднинг кечки якунловчи мажлисида ГБСП Марказий Комитети ва Марказий Ревизия комиссиясини сайлаш натижалари ўқиб эшиттирилди.

ГБСП Марказий Комитетининг янги сайланган состави ўзининг биринчи пленумида ўртоқ Эрих Хонеккерни бир овоздан ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Э. Хонеккер ГБСП Марказий Комитети раҳбар органларини сайлаш натижаларини съезд делегатларига маълум қилди. Г. Аксен, Г. Гофман, Г. Грюнеберг, Х. Зиндерман, В. Кроликовский, В. Ламберц, Э. Мильке, Г. Миттаг, Э. Мюккенбергер, К. Науман, А. Нойман, А. Норден, Г. Тиш, В. Фельфе, П. Фернер, К. Хагер, Э. Хонеккер, В. Штоф, Ф. Эберт ўртоқлар ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг составига сайландилар. В. Вальде, И. Герман, Х. Долус, Г. Клайбер, Э. Кренц, И. Ланге, М. Мюллер, Г. Шюрер, В. Яровинский ўртоқлар ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат қилиб сайландилар. Г. Аксен, И. Герман, Г. Грюнеберг, Х. Долус, В. Кроликовский, В. Ламберц, И. Ланге, А. Норден, П. Фернер, К. Хагер, В. Яровинский ўртоқлар ГБСП Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайландилар. Ўртоқ К. Зайбт ГБСП Марказий Ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Съездда ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари Э. Хонеккер якунловчи нутқ сўзлади.

У Марказий Комитет ва Марказий Ревизия комиссияси составига сайланган ўртоқларнинг топшириғига биноан ГБСП IX съездининг делегатларига ишонч кўрсатганликлари учун чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. Э. Хонеккер партиянинг янги сайланган раҳбарлари ўз зиммаларига қўйилган масъулиятни тўла-тўкис сезадилар, деб ишонтирди. Янги раҳбарлар IX съезд белгилаб берган мақсадларга партия, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари билан муваффақиятга эришмоқ учун ҳамма ишларни қиладилар.

У съезд аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Германия Бирлашган Социалистик партияси, ГДР халқи шарафига, ГБСП билан КПССнинг жанговар ҳамдўстлиги, коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги шарафига, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми шарафига хитоб сўзлари айтди.

ГБСП нинг IX съезди ёпиқ деб эълон қилинади. Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар янграйди. Республика саройи гумбазлари узра Интернационал оҳанглари янграйди. Зал бараварига: «Яшасин ГБСП!», «ГБСП—КПСС!», «Дўстлик— Фройндшафт!» деб хитоб қилади.

Кечқурун ГБСП Марказий Комитети съезд делегатлари ва чет эллик меҳмонлар учун қабул маросими ўтказди.

АФҒОНИСТОНДА ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

ҚОБУЛ, 25 май. (ТАСС). Афғонистон ўқитувчилар кунини кенг нишонлади. Мамлакатнинг ҳамма ўқув юртларида шу байрамга бағишланган митинглар бўлиб ўтди.

Афғонистон пойтахтидаги энг катта театрлардан бирида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда Афғонистоннинг ҳамма вилоятлари жамоатчилиги вакиллари ҳозир бўлдилар. Маориф министри А. Қаюм йиғилишда табрик нутқи сўзлади. У мамлакат маориф системасида ўтказилаётган ислоҳотни амалга ошириш ишида ўқитувчиларнинг катта хизматларини, бу ислоҳот таълим жараёни билан республика эҳтиёжларини узвий боғлашни кўзда тутаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ислоҳотнинг асосий қоидаларидан бири мажбурий саккиз йиллик таълимга ўтишдан иборат. Шунга мувофиқ ўтган йилнинг ўзида 720 та бошланғич мактаб саккиз йиллик мактабга айлантирилди. Бу йил яна 650 та мактаб саккиз йиллик мактаб бўлиб қолади. Уч мингга яқин ёш мутахассис муаллимлар сафига қўшилади.

ТОШКЕНТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ДОВРУҒИ

УЧ азамат қитъа киночиларининг буюк анжумани жаҳон тараққийпарвар санъат ишқибозларининг диққат марказида турибди. Жаҳон газетада бу фестивалнинг демократик характерини, унда кино арбобларининг эркин фикр олишувлари, ҳамкасблари билан бемалол ўртоқлаша олишлари, фильмлари билан айрибошлашув битимларига кела олишлари учун ҳамма имкониятлар яратилганини мамнуният билан қайд этмоқдалар. Фестиваль ишида қатнашаётган жуда кўп чет эл журналистлари ўз хабар ва мақолаларида ана шу нарсани таъкидлаб ёзмоқдалар.

«Тунис эбдо» хафталик газетаси «Канн ва Тошкент — икки идеология» сарлавҳали мақоласида Тошкент кинофестивали Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларининг ғарб идеологиясининг манфур таъсиридан озод бўлиш масалалари муҳокама қилинаётган анжумандир, деб таъкидлади. Газета айни маҳалда Каннадаги кинофестиваль камситувчи характерга эга бўлиб, ривожланаётган мамлакатларнинг кино санъати унда иштирок эттирилмаслигини уқдириб ўтади.

Фестиваль меҳмонлари ва қатнашчиларига кўргазилаётган иззат-икром, меҳру муҳаббат, бош дирекция хизмат бўлимларининг яхши ишлаши, кинотеатрлардаги кўрикларнинг ташкилий жиҳатдан камунали ўтказилиши, Тошкент, Самарқанд меҳнаткашларининг жаҳон кинофоруми қатнашчиларига кўрсатган меҳмондўстлиги уларни беҳад мамнун қилиб юборган.

Самимий учрашувлар, қизғин баҳслар, дастхат улашишлар, кинофильм яратиш сиру асрорлари ҳақидаги суҳбатлар жуда мароқли ўтмоқда.

Мана бир даврада таниқли қирғиз кино режиссёри, «Оқ кема» бадиий фильмининг яратувчиси Бўлат Шамшиев, актриса Айтурғон Темирова, Қирғизистон кинематографиячилари союзи раисининг ўринбосари, сценарийчи Эркин Бўрбиев, драматург ва сценарийчи Қўрқмас Мажидов, «Ўзбектелефильм» муҳаррири Рихсивой Муҳаммаджонов, туркиялик меҳмон, журналист ва режиссёр Мустафо Расим Гурсел билан қизғин суҳбат олиб бормоқдалар.

— Мен бу ерга келиб, ғарб матбуотидан советлар юрти ҳақидаги билганларимнинг тескариси бўлган томомила қувончли бир манзарани кўрдим. Яқинда бўлиб ўтган зилзиладан сўнг қаддини ростлаган кўҳна ва навқирон Тошкент жамоли мени бутунлай мафтун этди. Айниқса тошкентликларнинг меҳмондўстлиги, одамийлиги, самимияти биз туркларнинг қалбимизга яқиндир. Мен Тошкент фестивалига яна ва яна келиш ниятидаман. Чунки бу ерда одамларнинг самимиятидан ташқари кино санъаткори учун мактаб бўлгулик устозлар лабораторияси билан бемалол танишиш, ҳамкасбларинг билан ўртоқлашиш, илм-маърифатнинг хазиналаридан баҳраманд бўлиш имкониятлари ҳам бор.

Кеча бўлиб ўтган матбуот конференциясида Туркия кинематографиячилари делегациясининг бошлиғи Эриш Акман туркия фильмлари Ўзбекистонда илиқ кутиб олинганлигини айтди. Стамбул Синематикасининг директори Онат Қутлар шундай деди: «Бизнинг томошабинимиз бирнеча ўн йиллар бурун Сергей Эйзенштейн, Марк Донской, Сергей Юткевичларнинг машҳур фильмлари билан танишган эди. Узоқ танаффусдан кейин совет фильмлари экранларимиздан яна муносиб ўрин олди. Турк томошабинларини совет фильмлари билан таништиришда, жумладан Стамбул Синематикаси катта роль ўйнайди. Кейинги йилларда Синематикамиз 250 га яқин совет лентасини кўрсатди. Туркияда «Солдат ҳақида баллада», «Уруш ва тинчлик», «Хайр, Гулсари!», «Жамила» ва бошқа лентадар катта муваффақият билан кўрсатилди.

— Бизда, Туркияда совет фильмлари билан бирга миллий республикалар адабиёти катта шуҳрат топмоқда, — дейди суҳбатни давом эттириб Мустафо Гурсел, — Айниқса Чингиз Айтматов китоблари кенг тарқалган. Унинг Туркияга боргани, унда самимий, илиқ кутиб олингани, ҳамон эсимда. Мана мен Бўлат Шамшиев томонидан унинг «Оқ кема» қиссаси зўр муваффақият билан экранлаштирилгани, бу фильм фестивалга олиб келинганини эшитиб ва Сиз билан учрашганимдан ниҳоятда хурсандман. Мен ўзбек фильмларига зўр иштиёқ билан қарайман. Улар ҳақида ўз ватандошларимга сўзлаб бераман.

Ана шундай самимий, жўшқин суҳбатлар, фикр олишувлар давом этмоқда. Бу суҳбатларда совет кино санъати асарлари жаҳон экранларига кўпроқ чиқаётганлиги, улар миллион-миллион томошабинлар қалбини тобора забт этиб бораётганлигини яна бир марта намойиш қилади.

— Тошкентдаги учрашувлар, — дейди Чили режиссёри Дуглас Хюбнер, — бизга жаҳон экрани бой тажрибаларидан ўрганишимиз, совет киноси усталаридан сабоқ олишимиз учун кенг имкониятлар очиб беради. Чили демократик кинематографияси учун, жумладан совет публицист-режиссери Роман Карменнинг «Карволан қалби» фильми ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди.

— Тошкент ғоят ажойиб шаҳар! Миллий ва ҳозирги замон архитектура услублари ниҳоятда уйғунлашиб кетган бу ерда, — дейди Гвинея-Бисау ахборот ва туризм министри Мануэль Сантос. — Мен Ўзбекистон ССР Давлат киноси раиси А. Абдуллаев билан учрашдим. Фильмлар кўрдим. Биз ўз мамлакатимиз учун ҳозирнинг ўзидаёқ 21 совет фильмини сотиб олдик.

Зўр қизиқиш билан ўтаётган кинокўриклар, самимий суҳбат ва учрашувлар, кино бозоридаги олди-сотдилар жаҳон халқларига тинчлик, тараққиёт ва дўстлик ғояларини элтади.

Маҳмуд ЯҲЕЕВ.

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Келес посёлкасида «Узбексвязьстрой» тресті бинокорлари қураётган минг номерли янги автоматик телефон станцияси ҳадемай фойдаланишга топширилади.

Шундай автоматик телефон станциясининг яна бири Юқори Чирчиқ районидаги Паркент посёлкасида ҳам қурилади. Бектемирда қад кўтараётган станция битгандан сўнг эса Тўйтепа ва Тошкент шаҳарлари ўртасида бевосита телефон алоқаси ўрнатилади.

Алоқачилар Янгийўлда ҳам янги станцияни ишга туширадилар. Районнинг янги маркази ҳисобланган Гулбаҳор посёлкасида минг номерли автоматик телефон станцияси бунёд этиляпти. Бу система ишга тушгач шаҳарларо алоқа йўлга қўйилади.

Областимиз шаҳарларида телефон тармоқлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир Ангренда икки минг номерли янги телефон станцияси қурилди. Чиноз ва Солдатск шаҳарлари ҳам алоҳида телефон станцияларига эга бўладилар.

ШИЙПОНГА ПОЧТАЛЬОН КЕЛДИ

Пахтазорларда долзарб дамлар бошланди. Ҳозир ҳамма далада. Ғўзаларга ишлов бериш, озиқлантириш, суғориш ишлари қизғин давом этмоқда. Алоқа ташкилотлари пахтакорлар вақтини тежаш учун янги-янги йўлларни қидириб топмоқдалар. Ҳозир 806 почтальон бевосита дала бошига бориб, пахтакорларга хат-хабар, газета ва журналлар, пенсия пулларини тарқатмоқда.

Алоқа ишларини тезлаштириш мақсадида улар учун 70 та автомашина, 338 та велосипед, ўнлаб мотоцикл ва мопедлар ажратилган.

Бизда тезкор, ўз бурчини виждонан бажараётган алоқа ходимлари кам эмас. Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози почтальони Ғани Пўлатов уларнинг бири. Ғани ака 35 йилдан бери ўз касбини шарафлаб келяпти. Ҳалол хизматлари эвазига у Ленин ордени билан тақдирланган.

Ғазалкентлик почтальон М. Тўраев кўксини эса Октябрь Революцияси ордени безаб турибди.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

Пойтахтимизда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг IV Халқаро кинофестивали қизғин давом этмоқда. Бу улкан анжуман шаҳримизнинг киномухлисларини қизиқтириши, табиий. Шу муносабат билан «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари турли касб эгаларига мурожаат этди.

Дўстлик воситаси

Гулнора ҒАФУРОВА,

Тошкент транспорт, институти ўқитувчиси

МЕН ўтган Тошкент кинофестивалларида кўпгина бошқа мамлакатларнинг энг яхши киноленталари билан танишдим. Айниқса, менинг хотирамда африкалик кинематографчилар, покистонлик режиссёрлар яратган фильмлар узоқ вақт сақланиб қолди. Шунингдек ўтган кино фестивалда Латин Америкаси мамлакатларида ишланган талай кинокартиналарни кўришга муяссар бўлдим. Уларнинг фильмлари менинг кўз ўнгимда тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун, ижтимоий тараққиёт учун бутун кучи билан курашаётган янги, хилма-хил халқлар ҳаётини гавдалантириб берди. Бу сафар социалистик Кубада ишлаб чиқилган фильмларни кўриш иштиёқидаман.

Дарҳақиқат, Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг Тошкент IV Халқаро кинофестивалидан умидим катта. Умумбашарий ғояларни илгари сурувчи, замонавий экран талабларига жавоб берувчи бир қатор фильмларни кўрсак ажаб эмас.

Ҳаммадан ҳам менга шаҳримиз кинофестивалининг тутган йўли, соғлом руҳи ёқади ва қувонч бахш этади. Чунки фестивалда кино оламига эндигина қадам қўйганми, ё бутун жаҳонга танилганми, қатъий назар, барча мамлакатлар тенг ҳуқуқлидир. Шунинг учун ҳам Тошкент кинофестивалининг обрўси тобора ошиб бормоқда.

Музика оламига саёҳат

Зоҳид ҲАҚНАЗАРОВ,

дирижёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Мен кўпгина мамлакатларда бўлдим. Қайси мамлакатда бўлмай ўша мамлакатнинг ҳаёт тарзига, халқ турмушига диққат билан зеҳн соламан, тараққиёт сари ҳаракат қилаётганликларидан гувоҳлик берувчи ижтимоий воқеаларни кузатаман. Албатта, мени ҳаммадан ҳам кўра ўша халқ музикаси қизиқтиради.

Шу сабабли Тошкентда ўтаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг IV Халқаро кино фестивалида намойиш этилаётган фильмлардаги воқеалар, ижтимоий масалалар билан бир қаторда мени фильмларнинг музикаси кўпроқ диққатимни жалб этади. Аниқроғи, фестиваль фильмларини кўрар эканман, музика оламига саёҳат қиламан. Зотан, фильмларнинг муваффақиятли чиқишида композиторнинг роли катта. Ҳар бир фильм ўз музикаси, ўз миллий характери билан ажралиб туради, халқ ҳаётини образли тарзда тасаввуримизда гавдалантиради.

Маълумки, кўпгина фильм музикалари экран чегарасидан чиқиб кетиб, ўзининг янги мустақил ҳаётини бошлаб юборади. Менимча, мазкур фестиваль фильмларида композиторлар томонидан яратилган ана шундай халқчил, режиссёр тасаввурини томошабинга етказувчи, сценарий ғоясини очиб берувчи энг яхши музикаларнинг ҳам шоҳиди бўламиз. Шу боисдан фестиваль фақат кинематографчилар учунгина эмас, санъат билан қизиқувчи барча ижодкорлар учун ҳам чинакам санъат мактабидир.

Ҳаёт мактаби

Тўрабек МУҲИТДИНОВ,

«Ташоблмелиоводстрой»нинг бульдозер машинисти

ТОШКЕНТ IV Халқаро кинофестивали биз ишчиларни ҳам қизиқтириши, табиий. Негаки, фильмлар ҳар бир киши учун ҳаёт мактаби. Томошабинлар фильмларни кўрганда завқланибгина қолмай, маълум даражада фильм қаҳрамонларидан ўрнак олади. Шунинг учун ҳам мен Тошкент фестивалини ҳар сафар дил-дилдан орзиқиб кутаман ва фестиваль фильмларига қизиқишимнинг боиси ҳам ана шунда.

Фестиваль экрани томошабин кўз ўнгида дўст мамлакат халқларининг ўй ва орзуларини, ташвиш ва интилишларини намоён этади. Зеро, ҳар бир миллий кино санъатда умуминсоний элементлар бор. Кино санъатидаги ана шу умумбашарий элементи турли мамлакат одамларини бир-бирига яқинлаштиради.

1974 йили Тошкентда ўтган фестиваль кўригида Шуҳрат Аббосовнинг «Абу Райҳон Беруний» фильми намойиш этилгандан сўнгги зални силсилага солган гулдурос қарсаклар ҳамон мени тўлқинлантиради. Фестиваль қатнашчилари , ва меҳмонлари бу билан фақат фильм ижодкорларининг маҳоратинигина эмас, Ўзбекистон киносининг ютуғини ҳам олқишлаган эди. Улар ҳаммага чексиз қувонч улашган, турли мамлакат ва миллатлар дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам бераётган, уч қитъа киносининг маркази бўлиб қолган, тинчлик шаҳри номи билан машҳур бўлган Тошкент учун ҳам қарсак чалган эдилар. Уйлайманки, бу сафар ҳам жонажон республикамиз томонидан кўрикка қўйилган ўзбек фильми фестиваль қатнашчилари ҳамда меҳмонлари муҳаббатини қозонади.



Фестиваль учрашувлари. Ўзбек кино санъаткорларидан Н. Раҳимов, У. Назаров ва Ў. Алихўжаев бокулик кинорежиссёр А. Иброҳимов (ўртада) билан суҳбатлашмоқдалар.

С. Маҳкамов фотоси.

«АЙНУ-НЕГИ»НИНГ ШИФОБАХШ КУЧИ

ХАБАРОВСК ўлкаси овчилик корхонасининг ходимлари черемша билан унинг уруғини тайёрлагани тайгага йўл олдилар. Узоқ Шарқда биринчи бор шу экинни экишга қарор қилинди.

Черемша биринчи рус сайёҳларига ҳам маълум эди. В. К. Арсеньев билан В. Л. Комаров илмий экспедицияларининг қатнашчилари уни яхшилик билан эслайдилар. Черемша уларни неча марталаб цинга касаллигидан сақлаб қолган. Узоқ Шарқнинг маҳаллий аҳолиси эса черемшани кўп замонлардан бери билади. Шарқ энциклопедиясида бундай дейилади: «Айн халқининг тиши офтобда қолган суякдек оппоқ, бўри тишидек маҳкам, чунки бу халқ йил бўйи «айну-неги» ўтини еб туради.

«Айну-неги» маҳаллий тур черемша — «Охота пиёзи»дир. Ўрмон ҳайвонлари ҳам унинг шифобахш кучини инстинкт билан сезадилар: бўри, айиқ, қундуз тайга пиёзини еб даволанади. Жароҳатланган ит тайгага кириб кетадию, черемша еб соғайиб қайтиб келади.

«Айну-неги»нинг шифобахш кучи нимада? Шуни айтиш кифояки, ундаги С витамини ўзимизнинг пиёз ва чеснокка нисбатан тўрт баравар кўп. Черемша бошқа хил озуқа моддалари билан ҳам қимматли. Хабаровск медицина институтининг олимлари «охота пиёзи»дан шифолаш мақсадларида фойдаланиш методларини ишлаб чиқмоқдалар.

В. ВАСИЛЬЕВ,
ТАСС мухбири.
Хабаровск.

Спорт

ШУНДАЙ ДАВОМ ЭТСИН!

УНИНЧИ ТУР ЎЙИНЛАРИНИ СССР СПОРТ МАСТЕРИ, БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР ФУТБОЛ МАКТАБИ ДИРЕКТОРИ АҲРОЛ ИНОЯТОВ ШАРҲЛАЙДИ.

Тошкентлик футболчилар бу сафар ҳам майдонга ўзларининг етакчи ўйинчиларисиз тушишди. Маълумки Михаил Ан ва Владимир Фёдоров мамлакат ёшлар терма командаси составида Голландия командаси билан бўладиган жавоб учрашувига тараддуд кўришмоқда.

Ўйин аввалига тенг курашда ўтди. Биринчи бўлимнинг сўнгги минутларига келиб ва иккинчи бўлимда майдон эгалари ташаббусни ўз қўлларига олдилар. Бу учрашувда менга, айниқса ёш ҳужумчи Константин Баканов ва ҳимояда ҳам, ҳужумда ҳам яхши ўйин кўрсатаётган Александр Корченовлар манзур бўлди. Умуман командамиз аста-секин ўйнганиб бормоқда. Лекин ҳали ҳам футболчиларимиз хатоларга йўл қўйишмоқда. Командамизнинг ҳимоя чизиғида тажрибали ўйинчилар бор, лекин улар ҳам ҳамма вақт бир текисда ўйнай олмаяптилар. Бу ҳол айниқса сафарда яққол сезилмоқда.

Командамиз бундан аввал Нальчикнинг «Спартак» коллективини ҳам худди шундай 3:0 ҳисобда мағлубиятга учратган эди. Лекин ҳар икки ўйинни солиштирадиган бўлсак Грознийнинг «Терек» командаси билан бўлган учрашувда пахтакорчилар жуда кўп меҳнат қилишди, ўйин ҳам қизиқарли ўтди.

Командалар чемпионатнинг чорак масофасини босиб ўтишди. Аста-секин пешқадамлар аниқланмоқда. Кечаги тур ўйинларидан кейин олий лигада катта тажриба тўплаган Бокунинг «Нефтчи» ва Олмаотанинг «Қайрат» командалари пешқадам бўлиб олишди.

Унинчи тур ўйинлари қуйидаги натижалар билан тугади. «Шинник»— «Торпедо» — 2:0, «Рубин» — «Нефтчи» — 1:2, «Звезда» — «Таврия» — 1:0, «Кузбасс»— АСК — 0:0, «Колхозчи»— «Спартак» [Ор]—2:0, «Помир» — «Кубань» — 2:0, «Қайрат»— «Спартак» [Н]—3:2, «Спартак» [И-Ф]— «Даугава»— 1:0.

Командаларнинг бугунгача бўлган турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ў	Т	О
«Нефтчи»	9	16—9	13
«Қайрат»	9	10—4	13
«Пахтакор»	10	14—7	12
«Нистру»	9	12—7	12
«Колхозчи»	10	12—16	12
«Спартак» [И-Ф]	10	8—6	11
«Металлург»	9	13—6	10
«Таврия»	9	12—6	10
«Шинник»	8	7—5	10
«Помир»	10	7—10	10
«Даугава»	10	12—11	8
«Кузбасс»	9	6—8	8
АСК	10	10—12	8
«Звезда»	9	9—11	8
«Терек»	9	8—12	8
«Торпедо»	8	6—8	7
«Рубин»	9	5—9	7
«Спартак» [Ор]	8	6—11	6
«Кубань»	9	7—11	6
«Спартак» [Н]	8	4—15	3

СОВЕТ ВЕЛОСИПЕДЧИЛАРИ ПОЙГА ҒОЛИБИ

Ғалаба куни арафасида Прагадан йўлга чиққан Тинчлик велосипед пойгаси қатнашчилари ўн етти кун давомида Чехословакия, Польша ва ГДР йўллари бўйлаб 1967 километр масофани босиб ўтишиб, ўтган куни мусобақага якун ясашди. Сўнгги ўн тўртинчи Магдебург —Берлин оралиғидаги 163 километрлик масофани Х—И. Хартник биринчи бўлиб босиб ўтди ва шахсий ҳисобда пойга совриндори бўлди.

Александр Гусятников, Николай Горелов, Борис Исаев, Сергей Морозов, Александр Тихонов ва ҳамшаҳаримиз Михаил Первеевлардан иборат СССР терма командаси умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

ТЕННИСЧИЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИ

«Пахтакор» стадиони теннис кортларида республика шахсий команда чемпионати давом этмоқда. Команда баҳслари ниҳоясига етди. «Буревестник» командаси республика чемпиони бўлди. «Локомотив» иккинчи, «Спартак» вакиллари учинчи бўлишди. Шахсий ҳисобда эса республика чемпиони унвонига И. Лимакина, Г. Сорокотяга, В. Безверхов, Н. Поляков, Ш. Чеботаревлар даъвогарлик қилишмоқда.

СТУДЕНТЛАР СЛЁТИ

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат Университетининг маданият уйи яқинда ёшлар билан янада гавжум бўлди. Олий ўқув юртининг кечки ва сиртқи бўлимининг аълочи студентлари ўзларининг 1-слётларига шу ерда тўпландилар.

Слётни университет ректори, академик Т. А. Саримсоқов кириш сўзи билан очди. ТошДУ проректори доцент А. Азизхонов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таҳсил кўраётган ёшлар ни ўқитишда профессор-ўқитувчилар коллективи олдида турган вазифалар ҳақида гапириб берди.

Слётда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Гранитов, доцент И. Шестерова ва бошқалар студентларни илм-фан билан фаол шуғулланиб, ўз билим ва илмий фаолиятларини такомиллаштира боришлари лозимлигини уқдириб ўтдилар.

Студентлардан А. Асқархўжаева, Ш. Иброҳимов, Р. Ҳамидов ва О. Лушпенколарнинг нутқлари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Слёт университет бадиий ҳаваскорларининг концерти билан якунланди.

З. ЖУРАЕВА.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ

Реклама ва эълонлар

Узбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги

104-ШАҲАР УРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича 1976-77 УҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АВТОМАТИКА ВА КОНТРОЛЬ ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОСЛЕСАРЬ, ТЕПЛОТЕХНИКА УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОСЛЕСАРЬ, АВТОМАТИКА ВА РЕЛЕ ҲИМОЯСИ АППАРАТУРАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР, КУЧЛИ ЕРИТИШ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ПОДСТАНЦИЯ ВА СТАНЦИЯЛАР МОНТАЖИ ВА РЕМОНТИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯЛАРИ (ЛЭП) МОНТАЖИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОМОНТЕР, ҚОЗОН АГРЕГАТЛАР МОНТАЖИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, ТУРБОАГРЕГАТЛАР МОНТАЖИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ.

Уқиш муддати —1, 2, 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ, СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН КИШИЛАР, ҚИСҚАРТИРИЛГАН МУДДАТЛИ ЎҚИШ КУРСИНИ ЎТАДИЛАР ВА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганларга ҳоҳишлари бўлган тақдирда олий ўқув юртига йўлланма билан юборилади.

Ҳамма ўқувчилар кунига уч маҳал овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАН КЕЛГАНЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Кирувчилар директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти тўғрисида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ҳарбий билет, 3Х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, медицина справкаси (286-форма).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Орджоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (62-автобус Олой бозоридан ТашГРЭСга қатнайди). Телефон: 62-12-16, коммутатор, қўшимча 6-12, 6-26, 3-18.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети

Ф. ХЎЖАЕВ НОМИДАГИ 1-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ

143-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1976—1977 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ПОЙАФЗАЛЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал юзи бичиқчилари, пойафзал юзини тайёрловчилар, пойафзални қолипга тортувчилар, слесарь-ремонтчилар — ўқиш муддати 2 йил; қирқувчи, пойафзал таг қисми деталларини мустаҳкамловчилар — ўқиш муддати 1 йил; тайёр маҳсулотлар ярим фабрикатлари контролёрлари.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юрти яхши ошхонага эга, унда ўқувчилар учун турли-туман таомлар тайёрланади. Маданий ҳордиқ чиқарувчилар учун пойафзалчилар маданият саройининг эшиклари очиқ.

Мутахассисликлар бўйича машғулотлар юксак педагогик савияда, турли хил кўргазма қуролларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади.

Аълочи ўқувчилар фабрика маъмурияти томонидан рағбатлантирилади, уларга дам олиш уйларига, санаторийларга путёвкалар берилади, билим юртини битирганлар техникум ва институтларга йўлланма оладилар.

БИЛИМ ЮРТИГА ЁШИ 15 ГА ТЎЛГАН ВА УНДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН 7, 8, 9, 10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти ҳузурида ўрта маълумот берувчи ишчи-ёшлар мактаби мавжуд.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ТЎЛА ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДА БЎЛАДИЛАР (уларга уч маҳал овқат ва кийим-бош берилади), ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИ ДАВРИДА МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ОЛАДИЛАР.

Уқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тавсия этишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, метрика ёки паспорт, яшаш жойи, ота-онасининг иш жойидан справкалар, ўқиш жойидан характеристика, 6 та фотосурат (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (1-пойафзал фабрикаси).

Қабул комиссияси — Пойафзалчилар маданият саройида соат 9 дан 17.00 гача ишлайди. (14, 103-автобуслар, 2, 7, 12, 14, 6-троллейбусларининг «Пойафзалчилар маданият саройи» бекати). Телефон: 53-99-04.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲАР
18-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976-77 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚУЙИДАГИ
МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИНИ СОЗЛОВЧИЛАР, САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРЛАР, МЕБЕЛЬ УСТАЛАРИ, ТОКАРЛАР, САНОАТ ЖИҲОЗЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР, АВТОМОБИЛЛАРНИ РЕМОНТ ҚИЛУВЧИ СЛЕСАРЛАР, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИЛАР, ДУРАДГОРЛАР.

Уқув муддати— бир ва икки йил.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Уқувчилар пулсиз 3 маҳал овқат, кийим-бош ва бошқа жойдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ҳунар мактабига 8, 9, 10-синфни битирган 15—17 ёшдаги йигит-қизлар ва ҳарбий хизматни битирганлар қабул қилинади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: ариза, шаҳодатнома (8, 9, 10-синфни битирганликлари тўғрисида), паспорт (ёки гувоҳнома), турар жойидан справка, 6 та фотосурат. (5Х6 см.), характеристика.

Мурожаат учун адрес: Янгийўл шаҳар, Туркман боғи, Телефон: 53-75.

Телевидение

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 16.35 — **Капитан Грант болалари** (бадиий фильм). 18.00—ТОШКЕНТ. 18.05— Қизил галстук. 18.35— Миллионлар ленинча университети. 18.50 — **«Ахборот».** 19.05— «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.50 — IV халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари билан учрашув. 20.35 — **«Ахборот».** 20.55 — СССР Давлат академик Большой театрининг 200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 МОСКВА. 19.35 — **Тисса бўйида** (бадиий фильм). 20.55— Н. Аминов, Ҳажвий ҳикоялар (Тошкент). 21.55— **Наташахоним** (бадиий фильм) **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55— ТОШКЕНТ. 19.00— Болалар учун фильм. 19.10—**Интеграл** (бадиий фильм). 20.25 Тошкент янгиликлари. 20.40— Шифокор экрани. 21.10 — Ҳужжатли фильмлар. 21.35 — Телеочерк. 21.45— Николай Кузнецов (ҳужжатли фильм).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/V да **Парвона,** 27/V да **Олтин девор.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—14537. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64633. В—2562. 11